

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ АРХЕОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ



*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган Фан арбоби, фалсафа фанлари доктори,
профессор Исо Муродович Жабборовнинг 90 йиллик юбилейига*

**“ЎЗБЕКИСТОНДА ЭТНОЛОГИЯНИНГ
РИВОЖЛАНИШИ ТАРИХИ ВА ИСТИҚБОЛЛАРИ”**
*мавзусидаги республика илмий-амалий конференция
(11- март 2020 йил)*

Тошкент 2020

16. Мухбир. Ўшдан // Садои Фарғона, 1915, №121.
17. Ўша жойда.
18. Ўша жойда.
19. Хўканд хабарлари. Мусулмонча театр // Садои Фарғона, 1915, №100.

Жуманазаров Х.С.
ЎзР ФА, Тарих институти
докторанти, PhD

ТАБИБЛАРНИНГ СОЦИО-МАДАНИЙ ҚИЁФАСИ

Табобат соҳаси асосан аҳоли саломатлигини сақлаш, доривор гиёҳларни топиш ва кўпайтириш, тўғри ташхис қўйиш, касалликни олдини олиш, хасталикларни даволаш каби бир қанча вазифалардан иборат. Табобат вакиллари бўлган табиб(хаким)лар ўзлари қизиққан ва иқтидорига қараб табобатнинг маълум йўналишини ўрганади ва шу соҳада фаолият кўрсатади.

Халқ табобати анъаналари инсониятнинг узок вақт тўплаган эмпирик билимлари, диний қарашлари, хўжалик анъаналари ютуқлари натижасида шаклланди. Тарихдан маълумки, илк даврларда табобат ютуқлари умумхалқ томонидан фойдаланилган бўлса, вақт ўтиши билан маълум шахсларгина бу билимни эгаллади ва табиблик махсус касб турига айланди. Табиблик касбини пайдо бўлиши натижасида касб сирлари, ютуқлари ҳамда тажрибалар сулолавий тарзда, аждодлардан-авлодларга ўтиши анъанага айланди. Тиббий билимларнинг турфа хиллиги ҳамда касаллик турларининг хусусиятларига қараб табиблар ҳам соҳалар бўйича туркумланади. Табибларни туркумларга ажратишда уларнинг фаолият тури бирламчи ҳисобланади. Умуман олганда, халқ табобати билан шуғулланувчиларни иккита катта гуруҳга ажратиш мумкин: “анаъанавий табиблар” ҳамда “рухий таъсир орқали даволовчи табиблар” (шомон) [7:6] ёки “маънавий табиблар” (шомон, бахши), “тана хасталиклари табиблари”, фолбинлар [5:17], бошқача айтганда “шифобахш гиёҳлар билан даволовчилар” (эмпирик билимга асосланган), “илохий, ғайритабиий кучлар асосида даволовчилар”. Демак, табибларни рухий таъсир орқали даволовчи табиблар ва танани даволовчи табибларга ажратиш мумкин ҳамда бу икки соҳа бир қанча кичик гуруҳларга бўлинади.

Ўзбек халқ табобатида табиблик соҳасининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида тарихий манбаларда маълумотлар учрайди. Бу борада энг қадимий манба зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” бўлиб, унда табиблар: сўз (дуо) билан даволовчилар, шифобахш гиёҳлар билан муолажа қилувчилар ҳамда тиг ёрдамида тузатувчилар каби турларга бўлинган [18:22]. Табобатга оид турли адабиётларда мистик ва эмпирик табиблар [15:64], аралаш (ҳам мистик, ҳам эмпирик) [12:236], дин ёрдамида (дуолар орқали), сеҳрга таяниб, тажрибага ёки билимга асосланиб тузатувчи табибларга [3:24] ажратилишини кузатиш мумкин. Аксарият Шарқ халқларида табиблар даволаш усуллари ҳамда воситаларига таяниб, иккита катта гуруҳга ажратилади: мистик табобат вакиллари ва эмпирик табобат вакиллари.

“Авесто”да тилга олинган табибларни кўриб чиқадиган бўлсак, дуо билан даволовчиларни биринчи тиг билан даволовчилар (жарроҳлар)ни иккинчи гуруҳга киритиш мумкин.

Мистик табобат билан шуғулланувчилар асосан беморларнинг рухий оламига таъсир қилиш натижасида, сўзлар орқали касални шифо топишига ишонтириш орқали даволайди. Мистик табибларнинг ҳам ҳар бири алоҳида усул ва касбий атрибутларга эга. Улар халқ орасида даволаш усулларига қараб: *бахши, фолбин, азамхон, садқоқчи, мулла,*

дуохон, парихон ва х.к каби номлар билан аталади [7:52;]. Ўз навбатида мистик табобат вакиллари ҳам бир қанча кичик гуруҳларга ажаралади:

- *дуо ўқши, тумор бериши йўли билан даволовчилар* – ислом дини доирасида, муқаддас оятлар ҳамда дуолар билан беморга дам солиб ёки қоғоз парчасига дуо ёзиб бериш билан шуғулланишади. Айнан бу гуруҳга қори, мулла, азаимхон, қасидахон, дуохонларни мисол қилиш мумкин.

- *экстрасенслар, биоқувват орқали даволовчилар* – бугунги кунда биоэнергия номи билан аталади ва ички био қувватини қўллари орқали беморга йўналтирган ҳолда даволайди. Улар ўз биоқувватини беморнинг хасталанган аъзосига йўналтиради.

- *руҳлар орқали касалликдан хабар берувчи ва хасталикдан фориғ қилувчилар* – бахшилар, фолбинлар аждодларининг руҳлари билан мулоқот қилиш натижасида беморларни даволайди ёки турли бахтсиз ходиса ҳамда касаллик сабабларидан огоҳ этадилар. Мистик табибларнинг даволаш жараёни бир-бирига ўхшаш ҳамда бу уларнинг касбий атрибутларида ҳам яққол кўринади. Улар тасбех, чилдирма, пичоқ, қамчи каби турли воситалар ёрдамида беморларни даволайди.

Эмпирик табобат узоқ йиллар давомида изланишлар ҳамда машаққатли тажрибалар ёрдамида инсонни дарддан фориғ этувчи дорилар, даволаш усуллари ва тавсияларни ўзида жамлаган. Бу турдаги табиблар фақатгина табиий натурал воситалар (ғиёҳлар, ҳайвон аъзолари, минераллар) асосида дори тайёрлаб касалларни даволайди. Эмпирик табобат вакиллари маълум вақт давомида шогирдлик муддатини ўтагач, устозлар гувоҳлигида имтиҳон топшириб мустақил фаолият юритиш ҳуқуқини олган. Эмпирик табобатнинг мистик табобатдан фарқи шундаки, мистик табобат турли нарса ва ходисаларни илоҳийлаштириб ундан шифо тиласа, эмпирик табобат ўша нарса ва ходисаларни шифобахш хусусиятини тажриба йўли билан исботлаган. Айрим халқларда эмпирик табобат вакиллари алоҳида тоифаларга хизмат кўрсатишига қараб ҳамда ихтисослиги бўйича турларга бўлинади. Масалан, Эронда табиблар: фуқаро табиблари, денгизчилар табиби, курукликдаги ҳарбий кучларда хизмат қилувчи табиблар ва ҳоказога ажратилади[9:13]. Биз қўйида эмпирик табибларнинг умумий даволаш усуллари ҳамда ихтисослигига қараб бир қанча гуруҳларга ажратиб ўрганишга ҳаракат қиламиз. Мавжуд этнографик маълумотлар ва тарихий манбалар асосида эмпирик табибларни еттига ихтисосликка ажратиб кўрсатиш мумкин.

- *Синиқчилар*. Халқ табобатида кенг тарқалган табиб бу синиқчилар бўлиб, айрим ҳолларда улар “шикастабандлар” деб ҳам номланади. Синиқчилар асосан суякнинг синиши, дарз кетиши, жойидан кўзғалиши (чиқиши) ҳамда этнинг лат ейиши каби ҳолатларда одамларни даволайди. Қадимда синиқчилар ҳайвонларнинг суякларни ўрганиб тажриба орттирган. Улар беморнинг умумий ҳолатини кузатиб, лат еган жойни ушлаб кўриш орқали беморга ташхис қўяди. Бу ўринда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, синиқчиларни бошқа табиблар каби оғзаки савол-жавоб усули бирламчи ташхис воситаси ҳисобланмайди [4:47]. Синиқчи инсоннинг суяк тузилиши ҳақида (анатомия) тўла маълумотга эга бўлади. Синиқчи табибнинг муолажаси суякнинг синган ёки чиққанлигига қараб тухум сариғи, гилмоя ва тахтакач ё таёк ёрдамида беморнинг лат еган жойини дока билан боғлашдан иборат. Айрим ҳолларда тахтакач ўрнида бошқа ашёлар қўлланилган. Моштабиблар синган қўл ёки оёқни тахтакачлаб гилмоя суриб қўйиш усулидан самарали фойдаланган [13:264]. Турли ташқи таъсир натижасида этнинг лат ейиши кузатилса, табиблар уқалаш муолажасини қўллашган. Қарийб барча синиқчи табиблар бу муолажани яхши эгаллаган. Бундан ташқари алоҳида уқаловчи табиблар ҳам бўлиб, улар “силоқчи” номи билан юритилади ва беморнинг лат еган аъзосини уқалаш билан шуғулланишади [11:16].

Ўзбекларда азалдан барча тўй-томошаларда кўпқари (улоқ) ёки кураш мусобақаларини ўтказиш урфга айланган. Мусобақа олдида даврага маҳсус синиқчилар

ҳам таклиф қилинган бўлиб, улар фавқулодда ҳолат кузатилса ёрдамга тайёр туришган. Табобатнинг барча соҳалари каби синиқчилар ҳам ўз сирларини оила аъзоларига ўргатиши натижасида табибларга хос сулолавий шажара шаклланган.

Доялар ва аёллар ҳасталигини даволовчилар. Доялар нафақат фарзанд туғилиши жараёнини назорат қилади, балки аёлларда учрайдиган барча касалликни даволовчи табиблар ҳисобланади[6:83]. Бу касб халқ табобати тарихининг қадимий даврига бориб тақалади. Ибтидоий одамлар турли шифобахш гиёҳларнинг доривор хусусиятларини билиш билан бир қаторда, фарзанд дунёга келтираётган аёлга ёрдам беришни яхши билишган. Демак, табиблик касби билан аёллар ҳам қадимдан эркаклар билан тенг равишда шуғулланишган.

Тарихдан маълумки. XX асрнинг биричи чорагига қадар барча маҳалла ва қишлоқларда махсус доялар фаолият юритган. Улар ўз касби юзасидан ўқув юртини тамомламаган бўлсалар-да, шарқ табобатини чуқур ўрганиб, узоқ йиллик тажриба натижасида машҳур табиб, доя бўлганлар. Доя фарзанд кутаётган аёлнинг шароитини, бўлажак ота-онанинг болага бўлган муносабатини (узоқ вақтдан бери фарзанд кутаётганлар, илк бора фарзандли бўлаётганлар) ҳамда ўша оиланинг жамиятда тутган мавқеидан яхши хабардор бўлган ва шу ҳолатдан келиб чиқиб иш кўрган. Бу омиллар натижасида дояларга бўлган ишонч ошиб, оила вакиллари унга “ўз одами” сифатида муносабатда бўлишган. Доялар асосан серфарзанд ва бир қанча набирага эга бўлган ҳамда уларни ибратли тарбиялаган аёллар орасидан етишиб чиққан. Улар фарзанд туғилиши ва ундан сўнг қилинадиган муолажаларни амалга оширган, ҳаттоки айрим халқларда доялар то она соғлиғини тиклаб олмагунга қадар уй ишларига ҳам бевосита ёрдамлашиб турган [2:61]. Доялар болани соғлом туғилиши ҳамда онанинг саломатлигини бевосита назорат қилишган. Улар эмпирик тажрибасига таяниб, кейинчалик ҳам айрим ёш оналарга бола тарбиясига доир ёки аёл ҳамда болада кузатиладиган касалликларни даволаш бўйича маслаҳатлар берган. Доялик касби барча халқлар табобатида мавжуд ҳамда улар турлича ном билан эъзозланади. Масалан: ўзбекларда доя аёл “биби халфа”, “момо”, “қушноч момо” дейилса, бошқирларда “киндикчи” татарларда “киндик буви”[11:36] деб юритилади.

- *Жарроҳлар.* Жарроҳлик ҳам юқорида санаб ўтилган табобат соҳалари каби инсонларни соғлиғини тиклаш ишлари билан шуғулланган. Уларнинг фаолиятини кучайишига инсоннинг танасига ёғоч бўлақлари, тикан ва кейинчалик қурол ўқининг санчиблик қолиши қабилар сабаб бўлган. Бу ҳолатлар ибтидоий одамлардан ўзига хос жарроҳлик кўникмаларини ишлаб чиқишига олиб келди.

Табиблар ўз вақтида мураккаб жарроҳлик амалиётини мукамал билишган. Улар амалиётдан олдин касалнинг ёши, касалликнинг ўзига хос жиҳатлари ҳамда беморда бошқа тур касаллигини бор ёки йўқлигига эътибор қаратишган [1:311]. Жарроҳликнинг муҳим қоидаларидан бири тозалikka риоя қилишдир, шу сабабли табиблар жарроҳлик асбобларини оловда тоблаб, қўлини пиёз билан тозалаб зарарсизлантирган.

Ўзбекларда жарроҳлар *тиш олиш, хатна қилиш, қон олиш* ва бошқа мураккаб жарроҳлик усулларини билишган. Жарроҳликнинг ўзига хос томони шундаки, жарроҳ табиблардан ташқари, асл касби бошқа бўлган шахслар ҳам бу соҳа билан шуғулланишган. Айним муаллифларнинг фикрича, жарроҳлик билан шуғулланиш натижасида “хирургия” атамаси келиб чиққан, яъни “хир”-кўл, “эргон”-хунар деган маънони англатар экан. Бундай номланишни сабаби бошқа касб эгалари (сартарошлар) ҳам жарроҳлик амали билан шуғулланишига сабаб бўлган [14:112]. Иккинчи томондан эса жарроҳлик амалиётида инсон қўлининг аҳамиятини кўрсатиш мақсадида ҳам шундай ном олган бўлиши мумкин. Жарроҳлик билан темирчилар[9], сартарошлар шуғулланиб, улар хатна қилиш ва тиш олишни ҳам билишган. Уларда махсус жарроҳлик жиҳозлари бўлмаган ва темирчи усталар тайёрлаб берган сартарошлик қуроллари билан бу ишни

амалга оширганлар. Табобатда қон олишда зулукдан фойдаланилган бўлсада, киш ойларида зулукни сақлаш ва кўпайтириш бироз қийинчилик туғдирган ҳамда бу вазифани ҳам сартарош бажарган. Табиблар эса қон олишда наштар, қортиқ ва ҳайвон шохидан ясалган жиҳоз(воронка)дан фойдаланади. Бухоролик жарроҳлар ўз жиҳозларини алоҳида чарм идишларга солиб сақлаган ҳамда ўзлари ҳам озода кийинишган. Сабаби жарроҳ хузурига келган мижоз аввало табибнинг уст-боши ҳамда ишлатадиган асбобларига алоҳида эътибор қаратишган.

- *Доригарлар, атторлар.* Аксарият табиблар беморлар учун зарур бўлган дориларни ўзлари тайёрлашган ҳамда айрим дорининг таркиби ва тайёрлаш усулини қаттиқ сир сақлашган. Шарқнинг йирик бозорларида махсус беморларни қабул қилишга мослашган хона ва дори сотиладиган расталар жойлашган эди, масалан 1740 йил Хива бозорида 80 та дори билан савдо қилувчи дўконлари фаолият юритган [16:28]. Бозорларда доривор гиёҳлар билан савдо қилиш анъанаси бугунги кунга қадар ҳам сақланиб қолган. Ҳозирда республиканинг турли бозорларида савдо қилувчилар фақатгина гиёҳларни териб келиб сотишади, улар туркона дорилар тайёрлашни билсада, мураккаб дорилар тайёрлаш билимига эга эмас.

Табиблар вақтдан унумли фойдаланиш ва бошқа мақсадларда оддий дориларни тайёрлаш ва доривор гиёҳларни териш каби юмушларга бошқаларни жалб қила бошладилар (бу иш шогирдларига ёки гиёҳлар ўсадиган тоғга яқин бўлган кишиларга юклатилган), оқибатда табибдан ажралмаган ҳолатда махсус дори тайёрловчилар пайдо бўлган.

Чекка ҳудудларда яшовчи аҳолини турли доривор гиёҳлар билан атторлар таъминлаб туришган. Улар асосан маҳаллий ва четдан келтирилган тайёр маҳсулотларни етказиб беришган, камдан-кам ҳолларда гиёҳларни ўзлари тўплаган. Манбаларда келтирилишича, атторлар турли савдо вакиллари қаторида тилга олиниб, уларнинг бозорларда махсус дўконлари бўлган, чунки улар нафақат доривор гиёҳлар, балки бошқа маиший ва хўжалик буюмлари билан ҳам савдо қилишган. Атторларнинг аксарияти бошланғич тиббий билимдан хабардор бўлган, улар гиёҳ номлари, қандай хасталикларга даво бўлишини билишган. Аксарият атторларнинг ўзларини мижозлари бўлиб, агар мижоз сўраган дори ўзида бўлмаса, бошқалар орқали ҳам топиб берган.

Барча доригар ва атторлар бевосита табиблар билан яқин муносабатда бўлган. Сабаби, биринчидан турли ҳудудларда нафақат атторларнинг, балки табибларнинг ҳам доимий мижози бўлган, иккинчидан, табиб номи аттор учун реклама вазифасини ўтаган ва учинчидан, айрим дориларга табиб тавсияси ва билими керак эди.

- *Кўз шифокорлари (каҳҳоллар).* Табобатда алоҳида кўз касалликлари билан шуғулланувчи махсус табиблар фаолият юритишган ва улар “каҳҳол” номи билан аталган. XVI асрга оид қозилик ҳужжатларида Самарқандда табиблар, кўз табибларининг муолажа ишлари билан шуғулланганлари ҳақида маълумотлар келтирилади [17:28]. XIX аср охирида “катаракта”ни мувафаккиятли операция қилган водийлик табиб ва унинг тиббий анжомлари тарихий манбаларда тилга олинган. Айтиш жоизки, бу жарроҳлик амалиётини бевосита рус шифокорлари ҳам кузатиб боришган ва амалиёт мувафаккиятли бажарилганлигини қайд этишган. Яна Тошкентда “афғон табиб” номи билан танилган ҳакимнинг ўн уч ёшли қизни фақат гиёҳлар билан йигирма ўттиз кун давомида муолажа қилиб кўзини очгани ҳақида ҳам маълумотлар учрайди.

Эмпирик билимларга асосланган табиблик касбининг пайдо бўлиши инсонларнинг кундалик эҳтиёжидан келиб чиққан бўлса, уларни турли соҳаларга бўлиниши инсоннинг жисмоний тузилиши (анатомия)нинг мураккаблиги ҳамда аъзоларда кечадиган хасталикларни турли туманлигида эди. Илк даврларда табиблар инсондаги барча дардларга қарши курашган бўлса, кейинчалик иклимнинг таъсири, кишиларнинг хўжалик тури, атрофдаги гиёҳларнинг турфа хиллиги ва айрим жойларда

фақат бир турдаги касалликларни кўпроқ кузатилиши ёки бир географик ҳудудда оммавий равишда касалликларни тарқалиши ҳам табибларни тор доирада етук мутахассис бўлиб етишишга ва соҳаларга ажралишига сабаб бўлди.

Иккинчи томондан табиблар табобатнинг айнан бир соҳасида етарли даражада тажриба ва билимга эга бўлгач, бу билимларни келажакда фақат ўз авлодларига хизмат қилиши йўлида қаттиқ сир сақлади. Бу билимларни аجدодлардан-авлодларга ўтиши натижасида табобатнинг маълум соҳасида малакали табибларни юзага келишига олиб келди.

Учинчи томондан тарихнинг маълум даврида юз берган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий жараёнлар ҳам бу соҳага ўз таъсирини ўтказди. Жумладан тинимсиз урушлар, аҳолини оммавий кўчиши ёки диний қарашлар натижасида маълум даврда ва доирада айрим табобат соҳасига талабни кучайишига(уруш ва кўчиш жараёнида лат ейишлар, жароҳатлари кўпайиши) ёки бошқа соҳаларни турғунликка учрашига(дин томонидан инсон танасини ёриб кўришни таъқиқланиши) сабаб бўлган. Тиб илмига давлат томонидан эътибор қаратилиши натижасида(турли китобларнинг таржима қилиниши, табибларга тажрибалар ўтказиш учун шароит яратилиши) ҳам табобат соҳаси юксалди. Лекин шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, табибларнинг алоҳида соҳаларга бўлиниши нисбий жараён ҳисобланади. Улар бир соҳа табиб бўлсада, доимо бошқа йўналишдаги тиббий билимларга эҳтиёж сезишади. Жумладан, жарроҳлар амалиётдан ташқари инсон суякларини тузилиши, оғриқ қолдирувчи гиёҳларни билиши талаб қилинади. Шарқ табобати инсон организмни яхлит ҳолича ўрганади ва даволайди, бу ҳолат эса халқ табобати анъаналари ва табибларнинг соҳаларга доир билимлари ўзаро муштаракликда самарали натижа беришини англатади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Emilie Smith. Practice of surgery in Islamic lands // Social History of Medicine. – 2000. – Vol.13 . – No. 2.
2. Lestari Handayani, Haryadi Suparto, Agus Suprpto. Traditional system of medicine in Indonesia // Traditional Medicine in Asia. – New Delhi, 2001.
3. Sophie Hohmann. Ouzbekistan. Instrumentalisation politique de la medecine traditionnelle // Le Courrier des pays de l'Est. 2008/3 (n° 1067).
4. Suprpto A., et al. Study on traditional bone healing (research report). Surabaya: Health Services and Technology Research and Development Center. – 1996.
5. Zuzanna Grzywacz. Traditional Kazakh medicine in change. – Poznan. – 2010.
6. Абдуллаев А. Народная медицина Хорезма // Сов. здравоохранение. – 1977. – № 5.
7. Басилов В.Н. Шаманство у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва: Наука, 1992.
8. Богдан Рык. Бухарские хирурги // Туркестанский ведомости. – 1903. – № 53.
9. Жураев А. Халқ табобати. – Тошкент: Шарқ, 2008.
10. Кадыров А. Об узбекской народной медицине // Сборник научных трудов Мин. Здрав. Уз ССР, ТГМИ. – Томь XX. – Ташкент, 1961.
11. Кадырова Л. Народная медицина Сибирских татар: Автореф. дисс. к.и.н. – Москва, 2004.
12. Кушелевский В. Материалы медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. – Томь I. – Новый Маргелан. Типограф. Ферган. област. Правления, 1891.

13. Моштабиблар / “Тошкент” энциклопедия. – Тошкент: Ўзб. миллий энциклопедияси, 2009.
14. Назиров С. Абу-л-Косим аз-Захравий ўрта аср жарроҳи // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2002. – № 2-3.
15. Сейфулмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. – 1928. – № 9-10.
16. Собиров Р. Хоразм анъанавий табобатида доривор ўсимликларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш. – Хива: Хоразм Маъмун академияси, 2011.
17. Усмонов Ш. Илк шифо масканлари // Фан ва турмуш. – 1998. – № 6.
18. Ҳомидий Ҳ., Дўсчонов Б. “Авесто” ва тиббиёт. – Тошкент, Абу Али Ибн Сино, 2001.

Назаров А.Ё.

“Манбашунослик ва архившунослик”
кафедраси таянч докторанти

ИМПЕРАТОРЛИК РУС ГЕОГРАФИЯ ЖАМИЯТИНИНГ ТУРКИСТОН БЎЛИМИ ЭТНОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРИ (Ўз МА И-69 жамғармаси асосида)

Мустақилликдан сўнг аждодларимиз томонидан асрлар мобайнида яратилган маънавий меросимизни, ўтмиш тарихимизни, маънавиятимизнинг тарихий илдизларини ва миллий анъаналаримизни ўрганиш учун зарур бўлган шароитлар яратилди. Бунда аввало юртимиз этнологияси ва бу ерда истиқомат қилувчи халқларнинг этник тарихини ўрганиш ва аввалги олиб борилган тадқиқотларни янги шароитларда, ҳар қандай ғоявий таъсирлардан холи равишда қайта кўриб чиқиш долзарблиги намоён бўлди.

Туркистон замини жуда қадимдан тарихчи олимларнинг муҳим тадқиқот объекти бўлиб келган. Хусусан, XIX аср иккинчи ярми – XX аср бошларида Туркистонда рус ва хорижий тадқиқотчилар фаолият юритган бўлиб, уларнинг сай-ҳаракатлари натижасида кўплаб этнографик тадқиқотлар ва манбавий аҳамиятдаги маълумотлар вужудга келган. Ушбу тадқиқотлар ўлкада олиб борилган бу турдаги дастлабки тадқиқотлар бўлганлиги учун ҳозирги кунда тарих фани, хусусан этнология фани учун алоҳида аҳамиятлидир. Айнан ушбу тадқиқотлар яхлит тизимли шаклда, тарихшунослик нуқтаи назаридан таҳлил этиш, тизимлаштириш замонавий тарих фани олдида турган долзарб вазифалардан биридир.

Ўзбекистон ва бутун Ўрта Осиё тарихига оид кўплаб манбаларни ўзида мужассамлаштирган Ўзбекистон Миллий архивида (кейинги ўринларда – Ўз МА) ўлканинг мустамлака даврида мавжуд бўлган турли илмий жамиятлар фаолиятига оид турли жамғармалар (фондлар) мавжуд.

Бундай жамғармалардан бири Туркистон генерал-губернаторлигида фаолият юритган Императорлик рус география жамиятининг Туркистон бўлими – И-69 жамғармаси ҳисобланади. Шу ўринда Императорлик рус география жамиятининг Туркистон бўлими тарихи ва унинг фаолияти ҳақида тўхталиб ўтиш лозим. Жамият 1896 йил 20 майдаги Россия империяси давлат кенгашининг қарори асосида фаолият бошлаган. Унинг низоми 1896 йил 26 декабрда Ички ишлар вазири томонидан тасдиқланган [1:1]. Жамият фаолияти 1897 йил 28 февралда бошланган. Ушбу жамият Туркистон ўлкаси ва унга қўшни мамлакатларни географик жихатдан ўрганиш, илмий маълумотлар йиғиш мақсадида тузилган [2:144]. Жамиятнинг биринчи йиғилиши унинг фахрий раиси бўлган Туркистон генерал-губернатори барон Александр Борисович Вревскийнинг уйида бўлиб ўтади.

| | |
|---|---------|
| Askarov Ollabergan Ikrom o'g'i Janubiy Turkmaniston mintaqasining geomorfologik xususiyatlari va uning o'rganilishida paleobotanik ma'lumotlarning o'rni..... | 91-95 |
| Худойбергенов Х. С. XX аср бошларида хоразм анъанавий кулолчилигига оид таҳлиллар (Профессор И.М. Джабборовнинг тадқиқотлари асосида).... | 95-100 |
| Gulboyev Sh.Sh, Ilk o'rta asrlargacha O'rta yer dengizi xalqaro munosabatlarining tarixiy ildizlari..... | 100-103 |
| Turdixo'jayeva M. M. Axsikent arxeologik yodgorligining tarixshunoslik masalalariga doir..... | 103-106 |
| Умитов Н.М. Тошкент воҳасининг иқтисодий – маданий алоқаларига доир ёзма манбалар тавсифи..... | 106-109 |
| Найдаров З.В. О'zMU Arxeologiya kafedrasining JTAKE faoliyatidagi ishtiroki | 109-111 |
| Bebitov Maqsud Xorazm vohasining bronza va ilk temir davri aholisining e'tiqod va diniy qarashlari..... | 111-113 |
| Шукуров С. Ж. Кеш- Наутака тўғрисидаги ёзма манбалар тарихидан..... | 114-117 |

3-шўба. ЭТНОЛОГИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ТАРИХИЙ МАНБАЛАР ВА АРХИВ ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЎРНИ

| | |
|---|---------|
| Т.ф.н Тайронов Ё.Р. XX аср бошларида туркистонда миллий театрларнинг ташкил этилиши ва фаолиятлари хусусида (<i>Даврий матбуот материаллари асосида</i>)..... | 117-120 |
| PhD Жуманазаров Х.С. Табибларнинг социо-маданий кифаси..... | 120-125 |
| Назаров А.Ё. Императорлик рус география жамиятининг туркистон бўлими этнографик тадқиқотлари (ЎЗ МА И-69 жамғармаси асосида)..... | 126-130 |
| Қорёғдиев З. О. Архив ҳужжатлари ўзбекистон лўлилари этнологиясини ўрганишдаги манба сифатида..... | 130-132 |
| Бобожонов Ш.У. Манбаларда зиёрат этикети масалалари..... | 133-136 |
| Dedamirzayev Javoxir Yodgorjon o'g'li Farg'ona vodiysi aholisining etnologik tadqiqotlarida xitoy manbalarining o'rni..... | 137-140 |
| Abdusatorov Sh.M. O'zbek taomlari bilan bog'liq madaniyat (Farg'ona vodiysi aholisi misolida)..... | 140-143 |
| Нурмухаммадов Ш.Ш. Бухоро хонлигида жамоат иншоатлари – ҳаммомларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига доир баъзи мулоҳазалар(Қашқадарё худуди мисолида)..... | 143-145 |
| Т.ф.н., доц. Исматуллаев Ф.О. Ўрта Осиё: шарқ ва ғарб маданиятлари туташган макон..... | 145-151 |
| Турекеев К. Ж. Праздник хайт у каракалпаков..... | 151-156 |
| Бакирова М.Х. Ўрта Осиё тарихида аёлларнинг ўрни (Темурий маликалар мисолида)..... | 156-160 |
| Botirova Yu.I. Qosim shayx xonaqohining turizmni rivojlantirishdagi o'rni..... | 160-162 |
| Abduzohirov R.H. O'smirlik davri va uning o'ziga xos jihatlari (ota-onalar va o'smir farzandlar munosabatlari o'zbek oilalari misolida)..... | 162-167 |
| Nurmanov Sh.M. O'zbek oilalaridagi islomiy an'analarning o'rni..... | 167-170 |
| Toshtemirov Bekzod Totemizm haqida..... | 170-172 |
| Hamroyeva R. F. Buxoro - islom madaniyati poytaxti (shahar tarixi va istiqbollari)..... | 172-175 |
| Хуррамов Рамазон. Ўзбек оилаларида никоҳнинг анъанавий ва замонавий шакллари..... | 176-178 |
| Ergashev B. J. Ko'chma uylar va ularning turlari (o'tov misolida)..... | 178-180 |